

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

Бўстон тумани

“26” 11 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **“Бўстон туман Халқ таълими бўлими”** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **А.Ахмадашев** бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган **“МЕГА УНИВЕРСАЛ ЭКСПРЕСС” МЧЖ** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Ў.Джўраев** иккинчи томондан бўлиб **Бўстон туман 15-мактаб филиали биносини жорий таъмирлашга(2-боскич)** доир пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Бўстон туман 15-мактаб филиали биносини жорий таъмирлаш (2-боскич)** ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шaroитлар яратиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар умумий қиймати (солиқлар, йигимлар ва ҚҚСларни ҳисобга олган ҳолда) **230 830 000(Икки юз ўттиз миллион саккиз юз ўттиз минг) сўмни** ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Куйидаги ҳоллар мустасно:

-Таъмирлаш қиймати ва муддатини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган (форс – мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегинли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг 1- чи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ва ўз муддатида бажариш ҳамда, ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

3.2. Таъмирлаш майдонига зарур бўлган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Буюртмачи мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларни “Пудратчи” томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг топширилиши учун тўлиқ мулкий жавоб беради.

Ишлар бажарилиши устида доимий қурилиш назорати ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; Шартномага асосан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий молнялаштиришни амалга ошириш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. Ишларни бажариш муддати

5.1 “Пудратчи” мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни бажариш муддати аванс тўловидан эътиборан 40 кунни ташкил этади.

5.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

6.1 Шартнома тегинли Газначилик тизимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириши ва тўловлар кетма кетлигига амал қилган ҳолда 5 банк иш кунида “Буюртмачи” бажарилган иш ёки қўрсатилган хизматнинг умумий суммасининг 30 фоизини бу **69 249 000 (олтмиш тўққиз миллион икки юз қирқ тўққиз минг) сўмни** ташкил этади. олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган қисми бажарилган ишларни қўрсатилган хизматларни ҳисоб фактурага асосан ўтказиб берилади.

6.2 “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва маблағларни тўлаш учун ишларни бажариш ва топшириш даволатномалари асос ҳисобланади. Ишларни қабул қилиш даволатномалари ҳар ойнинг охирида “Буюртмачи” томонидан 72 соат мобайнида кўриб чиқилиб расмийлаштирилиши зарур. Қўшимча қилинган ишлар керакли ҳужжатлар расмийлаштиришгандан сўнг қўшимча келишувга асосан ўтказиб берилади.

7. Ишларни бажариш

7.1 “Буюртмачи” таъмирлаш майдонида ўз вақилини “Техник назоратчи”ни тайинлайди. У “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланадиган материаллар ва асбоб – ускуналар шартнома шартларига мувофиқлигини текширади.

7.2 “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V – бўлимида қўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.3 “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида қўрсатилган спецификацияларга даъват

стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларни сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс – мажор) ҳолатлари.

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа бевоқиф таъсир этса, томонлар ундан ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиши учун қандай чоралар кўришини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишини талаб қилишга ҳақлидир

9. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1 Объектларни уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ёзма билдирувдан кейин “Буюртмачи” томонидан 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.2 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

10. Шартномани бекор қилиш.

10.1 Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш ишлари бажарилмаганда.

10.2 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.3 Шартнома Газначилик бўлинмаси руйхатидан ўткандан сўнг кучга киради ва **“31” декабр 2022 йилигача амал қилади**

11. Томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни тўлайди:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

11.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларнинг бузилганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларнинг 50% ошмаслиги лозим.

11.3 “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га мудлати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05% миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

12. Низоларни ҳал этиш тартиби.

12. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

ПУДРАТЧИ

“МЕГА УНИВЕРСАЛ ЭКСПРЕСС”

Манзили: Бўстон туман, Гузар МФЙ, Тараққиёт кўчаси
х/р: 20208000900418673001
МФО: 00628
ПНН: 302 917 304
Банк номи: Халқ банки Бўстон туман бўлими



[Signature]

Ў. Джўраев

БУЮРТМАЧИ


Бўстон тумани Халқ таълим бўлими

Манзили: Бўстон тумани Гузар МФЙ
Ш/хв: 100022860032097092100075047
СТИР: 200 264 426 МФО: 00014
Газначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги
газначилиги ягона газна ҳисоб варағи
х/р 23402000300100001010
Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ, МФО 00014.
СТИР 201122919



[Signature]

А.Ахмадалиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

WM7027048251

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Bo'ston tuman 15-maktab filiali binosini joriy ta'mirlashga(2-bosqich)**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buston tumani xalq ta'limi tomonidan 24.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bo'ston tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



SH.B.O'RMONOV

24.11.2022